



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССМЕНЛАРИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 октябрь куни Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг конгрессменлар Дон Бэйкон, Дуг Ламборн, Трой Нельс ва Август Пфлюгердан иборат делегациясини қабул қилди.



АҚШ делегацияси икки томонлама парламентларо ҳамкорликини мустаҳкамлашга доир келишувлар доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари парламентлар даражасидаги фаол алоқалар ва самарали алмашинув-

ларни, улар Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини жадал ривожлантиришга катта хисса қўшаётганини юксак баҳолади.

АҚШ Конгрессида ташкил этилган Ўзбекистон бўйича кокус — дўстликини мустаҳкамлаш ва конструктив мулоқотни илгари суриш борасида парламент гуруҳининг нуфузи ортиб бормоқда, фаолияти кенгаймоқда. Бугунги кунда кокус томонидан кўп қиррали ҳамкорлики ва мамлака-

тимиздаги ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор муҳим лойиҳалар илгари сурилган.

Конгрессменлар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар стратегияси мамлакат барқарор тараққиётининг муҳим омили экани ҳамда унинг халқро майдондаги обрўси сезиларли даражада юксалишига хизмат қилганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, Афғонистондаги инсонпарварлик операциялари қўллаб-қувватлангани учун самимий миннатдорлик билдирилди.

Суҳбат чоғида парламентларо йўналиш билан бир қаторда АҚШ делегацияси аъзолари вакиллик қилаётган етакчи штатлар — Небраска, Колорадо ва Техас билан ҳамкорлик бўйича лойиҳа ва дастурлар муҳокама қилинди.

Инновациялар ва саноат технологиялари,

IT соҳаси, қишлоқ хўжалиги, “яшил” энергетика, соғлиқни сақлаш ва таълимда кооперацияни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида қўшма “йўл харитаси”ни тайёрлаш ва ишбилармонлик миссияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЕР ҚАЪРИДАН ФЙДАЛАНУВЧИЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда фойдали қазилма конларини саноат усулида ўзлаштириш, замонавий усуллар ва технологиялар ёрдамида геология-қидирув ишларини рағбатлантириш ҳамда ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2022 йил 1 январдан** бошлаб муҳим тижорат салоҳиятига эга бўлган углеводородлар, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металллар ва бошқа турдаги рудали фойдали қазилмалар объектлари бўйича геологик ўрганиш ёки аввал ўрганилган ер қаъри участкасида қазилма фойдаланиш ҳуқуқини танлов савдоларига чиқаришнинг махсус тартиби ўрнатилди. Бунда:

сотув суммаси ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун бонус суммаси сифатида қаралади ва танлов савдолари ташкилотчиларининг харажатларини чегирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилади;

танлов савдолари ташкилотчиси ёки танлов савдолари иштирокчилари қонунчиликда белгиланган тартибда фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) айрим солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини оширилган миқдорда таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

2. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 1 январдан бошлаб фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқи учун ундирила-

диган тижоратбоп топилма бонусини ҳамда фойдали қазилмаларни аниқлаш ва разведка қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун ундириладиган имзоли бонусни бекор қилиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, **2022 йил 1 январдан** бошлаб:

а) геология-қидирув ва (ёки) излаш ишлари ўтказиш учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олинган ер солиғи солиш объекти ҳисобланмайди;

б) ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқиладиган, геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови жорий қилинади;

в) геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови қуйидагиларга йўналтирилади:

70 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

15 фоизи — вилоят маҳаллий бюджетига;

15 фоизи — туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига.

4. Геология-қидирув ишларини амалга оширувчи юридик шахслар, шунингдек, улар томонидан жалб этиладиган пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари қуйидагилардан озод этилсин:

конларни қидириш, аниқлаш ва ишлатиш даврида геологик қидирувни амалга ошириш учун зарур бўлган махсус техникаларни вақтинча олиб киришда даврий божхона тўловларидан;

Давоми 3-бетда

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

БИЗНИНГ ОВОЗ

Бизнинг овоз дахлдордир асрларга,
Янги давру замон, янги наслларга.
Юракларга келган янглиғ янги баҳор,
Бизнинг овоз — ифтор тўла она диёр.
Янги орзу-умидларга парвоз берамиз,
Наврўз янглиғ Янги юртга овоз берамиз.

Давру замон шиддатлидир — ортга қайтмас,
Инсон умри меҳнатлидир, сайру гаитмас.
Ватан ватан бўлмайму биз жон чекмасак,
Жондан кечиб, заҳматин ҳар он чекмасак.
Ўйламангизмиз биз сўзга пардоз берамиз,
Меҳнат учун, заҳмат учун овоз берамиз.

Бу синовлар, имтиҳонлар дунёсида
Инсон яшар ўт билан сув аросида.
Инсонми у эзгулик деб тўлғонмаса,
Маърифатнинг нури билан чулганмаса?
Қодирий ҳам Чўлпон учун овоз берамиз,
Улмас илму ирфон учун овоз берамиз.

Бир юз ўттиз тўрт миллатга макон учун,
Бағрикенглик бунда олиё мақом учун.
Милёнларнинг оғизбирчилиги билан,
Элу халқнинг бурчи, бурчирилиги билан —
Кўнғилларга бир байроқ, бир соз берамиз,
Ҳамжихатлик ният учун овоз берамиз.

Оталармиз, оналармиз, фарзандлармиз,
Барчамиз ҳам бир Ватанга дилбандлармиз.
Орзулар бўй чўзиб, боғу чаман ўсгай,
Ҳар ўғил-қиз тимсолида Ватан ўсгай.
Олтин бешик — тахти учун овоз берамиз,
Фарзандларнинг бахти учун овоз берамиз.

Кўнғилларни шаҳарлардай обод этиб,
Келажаки биз бугундан бунёд этиб —
Жаҳон ичра гўё мисли янги жаҳон
Қад ростлайди мутлақ янги Ўзбекистон.
Биз миллатнинг равақига парвоз берамиз,
Ватан учун, миллат учун овоз берамиз.

Демак, мутлақ янги давру замон учун,
Инсон қадрин баланд тутган инсон учун,
Сўйлайверса адо бўлмас дардларинг бор,
Дардларингиз арифтавчи мардларинг бор.
Инсон деган мағрур номга эъзоз берамиз,
Инсонийлик қадрин учун овоз берамиз.

Қалбим буюрмаган сўзни мен айтмадим,
Аввал айтган бир гапимдан ҳеч қайтмадим.
Шоирлигим шiori шу, бор ҳаётим даъвати:
Давлатли эл шавкатлидир, шавкатли эл — давлатли.
Шундай шаъну шавкат учун овоз берамиз,
Манеу тожу давлат учун овоз берамиз!



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди ташвиқоти бўйича мақола чоп этилмоқда. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-бетга қаранг

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон чуқур тарихий илдизга, ўзаро умумий ва ўхшаш урф-одатлар, дин, тил ва маданиятга эга бўлган Туркменистон билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратади.

Ҳозирги кунда икки қардош мамлакат ўртасидаги муносабатлар дўстлик, яхши кўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосида изчил тараққий этмоқда. Икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро очиқлик ва ишонч руҳидаги мулоқоти кўп қиррали ўзбек-туркман стратегик шериклигини мустаҳкамлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давоми 3-бетда

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШ СТРАТЕГИЯСИ



“Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарабини юксалтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш — бизнинг олий мақсадимиздир.”

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг партия X съездидаги “Янги Ўзбекистон — инсон қадрни устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатдир” деб номланган дастурий маърузасидан олинган ушбу чўнг ундовда мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаолари яққол акс этган.

Хоссатан, мазкур маърузада беш йил олдинги сайловолди дастурида эълон қилинган эзгу мақсадларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш йўлида қандай ишлар амалга оширилгани ва улар қандай улкан натижаларга олиб келгани, пировард истиқболдаги тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишлари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилди.

Кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида барқарор ривожланишни таъминлаш, халқимиз маънавиятини янги босқичга кўтариш, маънавий баркамол авлодни вояга етказиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли вазифаларни назарда тутувчи қўллаб-дастурлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда эса Янги Ўзбекистон стратегиясини юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, унинг бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш маънавият соҳасидаги ишларимизнинг бош мезонига айланмоқда.

Ушбу тарихий ва объектив ижтимоий-сиёсий жараён, Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий йўналишдаги бугунги тараққиёти ҳамда истиқболлини белгилайдиган стратегик тамойиллар, амалий фаолият дастурларини яратиш, уларни амалга ошириш учун ниҳоятда муҳим ва зарурий асослар яратмоқда.

АМАЛИЙ ВА САМАРАЛИ ИШЛАР ТАДРИЖИ

Айниқса, жорий йилда бу борадаги ўзгаришлар ва янгиланишлар натижаларига катта таъсир кўрсатаётган, мазкур йўналишдаги ишларнинг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаётган, ушбу соҳанинг мақсади ва моҳиятини белгилайдиган тизимли тадбирлар, амалий ва самарали ишлар буй кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Республика Маънавият кенгаши раиси эканлиги белгилаб қўйилди ва бу айни тизимда энг асосий масъулиятни ўз зиммасига олишнинг яққол натижаси бўлди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Республика маънавият кенгашининг ишчи органи сифатида қайта ташкил этилди, унинг фаолият мезонлари ва бу борадаги устувор вазифалари аниқ-тиниқ белгиланди.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарабини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди ва бу бўйича самарали фаолият юритилимоқда.

Ҳаракатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган маърифий тарғибот ишлари изчил давом этмоқда.

Иккинчидан, мамлакатимиз миқёсида маънавий-маърифий ишларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, унинг янги ва замонавий тизимини шакллантириш, ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг барқарор тизимини йўлга қўйиш, муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган устувор йўналишлар белгилаб олинди.

“Тафаккур” ва “Маънавий ҳаёт” журналлари ҳамда “Маънавият” нашриёти Республика Маънавият ва маърифат маркази тасарруфига ўтказилди.

Эътибор беринг: жами 121 миллиард сўм, хусусан Республика Маънавият ва маърифат

марказига 10 миллиард сўм, унинг жойлардаги бўлимларига 90 миллиард сўм, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмасига 20 миллиард сўм, “Маънавият” нашриётига 1 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилди.

Учинчидан, жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўқсонлик қилаётган ички таҳдидлар — эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва у ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат “Маърифат” тарғиботчилар жамияти шакллантирилиб, унинг фаолияти тизимли ва доимий асосда йўлга қўйилди.

Тўртинчидан, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди.



“Янги Ўзбекистон стратегиясини юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, унинг бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш маънавият соҳасидаги ишларимизнинг бош мезонига айланмоқда. Ушбу тарихий ва объектив ижтимоий-сиёсий жараён, Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий йўналишдаги бугунги тараққиёти ҳамда истиқболлини белгилайдиган стратегик тамойиллар, амалий фаолият дастурларини яратиш, уларни амалга ошириш учун ниҳоятда муҳим ва зарурий асослар яратмоқда.

Институт қошида “Маънавият тарихи ва назарияси”, “Маънавий тарбия”, “Маънавий жараёнлар ва технологиялар” каби йўналишларда докторлик диссертацияси ҳимояси учун ихтисослашган кенгаш иш бошлади.

Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказиш, қўлга киритилган натижалар асосида амалиёт учун таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнини тизимли барпо этиш чоралари кўрилади.

Бешинчидан, 2021–2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизими таълим йўналишлари ўқув режаларига бакалаврият босқичида “Маънавиятшунослик”, магистратура босқичида “Қасбий маънавият” фанлари киритилди, “PR-менеджер” мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланишини йўлга қўйиш белгилаб берилди.

“Маънавият тарихи ва назарияси”, “Маънавий тарбия”, “Маънавий жараёнлар ва технологиялар” каби фанлар илм-фан ихтисосликлари классификаторига киритилди.

Олтинчидан, маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий мавзуларда долзарб мақолалар, жамоатчилик вакилларининг илғор фикрлари, шунингдек, мафкуравий жараёнлар таҳлили, соҳага оид янгиликларни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш мақсадида “oyina.uz” электрон портали фаолият бошлади.

“Madaniyat va ma'rifat” телеканали, Халқаро пресс-клуб ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарабини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақолалар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, кўрсатувлар, публицистик чиқишлар ва эшиттиришлар тайёрланмоқда.

Еттинчидан, таълим муассасаларида маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича мутахассис, ҳар бир умумтаълим муассасасида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди ва

Тўққизинчидан, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар йўналишида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни шакллантириш ҳамда белгиланган тартибда молиялаштириш тартиби жорий қилинди.


Маънавий-маърифий ишларни юқори савияда амалга ошириш, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ҳамда ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига топширилаётган “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони таъсис этилди.

Буларнинг барчаси жамиятимиз маънавий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга долзарб масалалар ва ўз ечимини кутиб турган муаммоларни қамраб олган серқирра фаолият олиб борилаётганидан далолат беради.

Бу эса, ўз навбатида, бўлажак сайловларда нафақат маънавият, шунингдек, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан натижаларга сабаб бўлган туб ўзгаришлар ва ислохотларни амалга оширган, янгиланишларнинг мустаҳкам пойдевори — тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш, ҳаётга самарали жорий этаётган O'zLiDeP номзодининг халқимиз томонидан муқаррар равишда қўллаб-қувватланишини шак-шубҳасиз натижага айлантиради.

МАЪНАВИЙ -МАЪРИФИЙ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

O'zLiDeP X съездидаги маъруза ва унга асос бўлган “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида бу борадаги саволларга жавоблар муфассал баён қилинган.



Бугунги кунга келиб маънавий соҳадаги воқелик ва жараёнларни ҳуқуқий тартибга солиш ишларини янги босқичга кўтариш ва бунда замон талабларини, Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворини қўйиш эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарурати етилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг кейинги ўн йилликларга мўлжалланган миллий тараққиёт стратегиясида маънавий-маърифий ислохотларга алоҳида бўлим ажратилгани бежиз эмас. Унда ушбу соҳадаги серқирра фаолиятнинг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаолари, устувор йўналишлари ва долзарб вазифалари очиқ-ойдин ифодасини топган.

Бу жиҳатдан, “Ўзбекистон Республикасининг маънавият соҳасидаги давлат сиёсати тўғрисида” қонунни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўз навбатида, бу Янги Ўзбекистоннинг барпо этиш жараёнининг маънавий соҳадаги ўзгаришлари ва инновациялари динамикасини тўлиқ тасаввур этиш имконини беради.

Айни пайтда ушбу қонун давлат сиёсатининг бу жабҳадаги фаолияти, Янги Ўзбекистон стратегиясининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, стратегиянинг ҳар бир йўналиши ва турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг кадр-қимматини ва амалий натижаларини изчил ўрганиш, бу билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни замон талаблари нуқтаи назаридан таҳлил ва таҳлил қилиш вазифаларини самарали ҳал этиш имконини янада оширади.

Ўз навбатида, бу тизимда кейинги йилларда амалга ошириш зарур бўлган фаолият кўлами ва салмоғи, аҳамияти ва йўналишлари, натижадорликка эришиш зарурати “Ўзбекистоннинг 2022–2032 йилларга мўлжалланган маънавий-маърифий тараққиёт стратегияси”ни ишлаб чиқишни ҳамда уни давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланишини тақозо этмоқда.

Шунингдек, яқин келажақда бутун мамлакатимиз фуқароларининг маънавий-маърифий соҳалардаги ҳаёти, фаолияти ва турмуш тарзини ифодалайдиган яхлит ҳужжатлар мажмуи — “Ўзбекистон жамиятининг маънавият кодекси”ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўриш лозимлигидан далолат беради.

Бу жиҳатдан, барча ҳудудлар ва ташкилотларда кенг жамоатчилик, хусусан “Аҳоли орасида маънавий-маърифий ишлар тизимини янада оптималлаштириш бўйича ҳаракатлар дастури”ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Айни саъй-ҳаракатлар жамиятимиз маънавий ҳаёти-

“Бўлажак сайловларда нафақат маънавият, шунингдек, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан натижаларга сабаб бўлган туб ўзгаришлар ва ислохотларни амалга оширган, янгиланишларнинг мустаҳкам пойдевори — тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш, ҳаётга самарали жорий этаётган O'zLiDeP номзодининг халқимиз томонидан муқаррар равишда қўллаб-қувватланишини шак-шубҳасиз натижага айлантиради.

нинг динамик ўзгаришлари механизмларини такомиллаштириш ва ушбу жараённинг самарадорлигини янада оширишга ёрдам беради.

Шу муносабат билан, аҳолининг таълим тизими билан қамраб олинмаган қисмида “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли кенг қамровли ўқув-услубий ва инновацион таълим-тарбия модули лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни тизимли амалга ошириш биринчи даражали вазифага айланми.

Модул бўйича маъруза ва амалий машғулотлар, ўқувлар ва тарбиявий соатлар Янги Ўзбекистон стратегияси бутун халқимизнинг ўзига хос фалсафасига айланиши, ижтимоий тафаккури ва тарихий хотирасидан мустаҳкам ўрин эгаллашига хизмат қилиши лозим. Ушбу йўналишда “Жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаёти янгиланишлари динамикасини таъминлашнинг долзарб вазифалари” мавзuida республика доимий илмий-амалий семинари фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг машғулотлари мунтазам ўтказилиши кутилган натижаларни бериши мумкин.

Айни пайтда, маънавият ва маърифий ислохотлар тарғиботи билан шуғулланувчи ташкилотлар, улар билан бу борада ҳамкорлик қилувчи нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, ижодий жамоалар ҳамкорлигида “Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий ҳаёти” рукнида китоб-альбом, рисоалар, мақолалар, турли медиамасҳуллотлар ва бошқа тарғибот материаллари жойқумларини тайёрлаш, чоп этиш, уларнинг жойлардаги ташвиқоти билан самарали ташкил қилишга эришиш лозим.

Оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, бугунги коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, “Жамиятнинг маънавий-маърифий ҳаёти” мавзуси бўйича вебсайтлар очиб, улар орқали турли тилларда маълумотларни мунтазам бериш бориш, бу соҳада амалга ошаётган демократик ўзгаришларни атрофлича ўрганишга ҳамда ҳолисона қарашларнинг шаклланишига имкон яратади.

Амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишларнинг натижадорлигига эришиш имкониятлари меҳнудлиги шубҳасиздир. Ушбу мураккаб ва серқирра жараёнда маънавий-маърифий ҳаётнинг барча жиҳатлари ва одамларнинг бу билан боғлиқ тафаккур тарзи бир кунда ва автоматик тарзда ўзгариб, янгиланиб қолмайди, албатта.

Бугунги даврнинг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларига мос келадиган янги маънавий тизим ва тафаккур тарзи тўла-тўқис оёққа туриб олиши учун эса O'zLiDeP номзоди Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажаришимиз, бу борада ҳам масъулиятни англаш ва тўғри йўлни танлаш фурсати келди.

Рўзимурод ЧОРИЕВ,
педагогика фанлари доктори



**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН
ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ЯНАДА РАВБАТЛАНТИРИШ ВА ЕР ҚАЪРИДАН Фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

 Бошланиши 1-бетда

конларни қидириш, аниқлаш ва ишлатиш бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган **асбоб-ускуналар, моддий-техника ресурслари ва махсус техникаларни импорт қилишда божхона божидан.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида углеводород конларини аниқлаш ва қидиришни амалга оширувчи маҳаллий корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 апрелдаги “Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 2598-сон Фармонининг 4-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган **имтиёзлар татбиқ қилинсин.**

Белгилансинки, геология-қидирув ишларини амалга оширувчи юридик шахсларга қўшилган қиймат солиғи суммасини қоплаб бериш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда, бироқ ариза берилган кундан бошлаб **30 кундан кечиктирмай амалга оширилади.**

5. Белгилансинки, **2021 йил 1 октябрдан** бошлаб: **табiiй газни экспортга реализация қилишда акциз солиғи ставкаси ноль фозиз миқдоридида белгиланади;** юридик шахслар табiiй газни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига **импорт қилишда божхона божидан озод қилинади.**

6. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси уч ой муддатда танлов савдолари ташкилотчиси ёки танлов савдолари иштирокчиларига айрим солиқ турлари бўйича оширилган солиқ ставкаларини тақкиф қилиш ҳуқуқини берган ҳолда, танлов савдоларини ўтказиш ва танлов савдоларига қўйилаётган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошланғич қийматини аниқлашни инобатга олиб, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсат бериш тартибини ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

7. Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 декабрга қадар** Вазирлар Маҳкамасига 2022 йил 1 январдан қуйидагиларни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини киритсин:

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини нефть ва табiiй газ бўйича 10 фозизгача, олтин ва мис учун 7 фозизгача, вольфрам учун 2,7 фозизгача ва уран учун 8 фозизгача камайтириш. Бунда углеводородлар, қимматбаҳо, ранг-

ли, нодир ва радиоактив металлارни, шунингдек, маҳсулот тақсимотиға оид битимлар (агар 2021 йил 1 сентябрга қадар кучга кирган битим ва шартномаларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса) доирасида қазиб олишни амалга оширувчи давлат улушига эга корхоналар учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг оширилган ставкалари белгиланиши мумкин;

ер қаъридан фойдаланувчиларнинг капитал харажатларини ҳисобга олган ҳолда янги конларда нефть, табiiй газ, газ конденсати, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металларни қазиб олиш (ажратиб олиш)ни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар учун **рента даромади солиғини жорий этиш;** янги нефть ва газ қудуқларини, саноат усулида фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб, дастлабки **икки йил давомида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўлашдан озод қилиш, кейинги уч йилда** ушбу солиқ учун белгиланган **солиқ ставкасининг 50 фозизга камайтирилган** ставкани қўллаш;

илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ва экспертларни жалб қилган ҳолда, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш тартибини янада такомиллаштириш. Бунда, 2021 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган даврда табiiй газ, нефть ва айрим турдаги бошқа фойдала қазилмаларни қазиб олишда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблашда солиқ базаси уларни ташвиш ҳамда қайта ишлаш билан боғлиқ **харажатлар суммасига камайтирилиши белгилансин;** норуа фойдала қазилмалар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун **солиқ ставкаларини унификация қилиш;** рента даромади солиғини тўловчи **чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга солиқ ҳисобини АҚШ долларида юритиш ҳуқуқини бериш.**

8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси янги таҳрирдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасида мазкур Фармондан келиб чиқадиган тартибларни назарда тутсин.

9. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 октябрь

САЙЛОВ – ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР ИМКОНИЯТИ

Юрт келажагига дахлдорлик, сиёсий ирода, халқимиз орзу-умидлари рўёби учун муносиб танлов. Ўзбекистон Президентини сайловы яқинлашгани сайин бу сўзлар ҳар бир сайловчи-фукаро шуурида чарх урмоқда.



Садритдин ТУРОБЖОНОВ, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетини ректори, техника фанлари доктори, профессор.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз катта сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлар билан янги давр остонасида турибди. Эндиги навбат, Президент сайловида юрт тақдирига дахлдор танловни амалга ошириш. Зеро, бу — тараққиётимизнинг кейинги 5 йиллик истиқболини белгилайди. Бугун қувонч билан айтамызки, мамлакатимиздаги ривожланиш ва барқарорлик мувозанати фукароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширди. Бу юртдошларимизнинг шахсий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар билан изоҳланади. Уз навбатидида, фукароларимизда мамлакат ҳаёти ва жамиятдаги янгилашлар жараёнига дахлдорлик ҳисси шаклланди.

Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ана шундай имконият ва истиқболларни сарҳисоб қилганди палла, фукароларнинг хоши-иродасини, муштарак манфаатларини, миллий-маданий бирлигини намоён этадиган сиёсий жараёндир. Бошқача айтганда, мамлакатнинг олий раҳбари сайлови, бу — миллий маданият ифодаси! Зеро, Президент миллат етакчиси сифатида ички ва ташқи сиёсатда ўз халқининг манфаатларини ҳимоя



ний бирлик ва ҳамжиҳатлик омили бўлиб ҳам хизмат қилади.

Сайловлар мурасасиз, баҳс-мунозараларга бой бўлиши табiiй. Бугунги кунда номзодларнинг давлатимиз келажаги, халқимиз манфаати қўзланган сайловолди дастурларида партияларнинг гоёвий кураши, фикрлар хилма-хиллиги янги истиқбол уфқларини, шижоатли авлод салоҳиятини очига йўл беради. Шу сабаб, халқимиз учун муҳим сиёсий жараёнлар остонасида ижтимоий тармоқларда сайловга доир турлича қараш ва фикрлар билан қиқишлар кузатишмоқда. Бу ҳолат сиёсий демократик нуктаи назардан табiiй жараён, сўз, маъбуот эркинлиги ва фукаропар бефарқ эмаслиги намунасирид.

Бу жараёнда ҳам бир мулоҳаза бор. Яъни ҳар қандай танқид соғлом ва конструктив бўлсагина ижобий натижа беради. Қонун, тартиб, маданият, уят, андиша, муроса ва мулоҳаза қилиш маданияти юқори бўлиши мақсадга мувофиқ.

Президентликка номзодлар учун оммавий ахборот воситаларида тенг платформа яратилган. Шу кунларда сайлов қонунчилигига мувофиқ сайловолди ташвиқоти қизгин паллага кирди. Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслик сайловчилар маданиятини ифода қилади.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим роль ўйнайди. Сайлов мазмунларини кенг еришти, сиёсий тадбирнинг аҳамияти ҳақида даврий нашрлар саҳифаларида, телекурсув ва радиоэфирида, интернет манбаларида тушултириш ишлари олиб борилиши сайлов қонунийлик руҳида ўтишини таъминлайди ва фукаролар хабардорлигини, фаоллигини оширади. Қачонки халқимиз жамиятда кечаётган сиёсий жараёнлардан бохабар бўлса, унга онгли равишда ёндашса, ҳар бир овоз келажак учун аҳамиятли эканини ҳис қилса сайловлардан қўзланган мақсадга эришган бўлади.

Ишонамизки, Президент сайловида халқимиз ўз келажаги, фарзандларимиз бахтли ҳаёти, жонажон Ватанимиз равнақи учун фаол иштирок этиб, муносиб номзодга овоз беради. Уз навбатидида, бўлажак сайлов дунё ҳамжамияти олдида Ўзбекистоннинг нуфузини юксалтирди, халқимиз салоҳияти ва қатъий сиёсий иродасини яна бир бор намоён этади.

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

анвар НОСИРОВ, Марказий Осиё халқаро институтини директори

 Бошланиши 1-бетда

Шавкат Мирзиёевнинг Президент сифатидаги илк хорижий ташрифи 2017 йил март ойда Туркменистонга амалга оширилиши икки қардош мамлакат ва халқларнинг кенг қамровли ҳамкорлиги янги босқичга чиқиши, унинг изчил ва ўзаро манфаатли ривожланишига муҳим туртки бўлди.

Олий даражадаги музокараларнинг асосий натижаларидан бири сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича улкан салоҳиятини изчил амалга оширишни олдиндан белгилаб берган Стратегик шериклик тўғрисидаги битимнинг имзолиниши бўлди.

Президентлар ўзаро ташрифлар, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг саммит ва учрашувлари доирасида тўққиз мартаба учрашди. Икки томонлама ва халқаро кун тартибидидаги долзарб масалаларни телефон орқали муҳокама қилиш доимий анъана тусини олди.

Пандемия билан боғлиқ мураккаб шароитга қарамай, мамлакатлар фаол мулоқотни давом эттирган ҳолда, амалда алоқаларни мустаҳкамлашга ва икки томонлама, минтақавий характердаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга ўзаро қўмаклашишга тайёрлигини тасдиқлади.

Жорий йилнинг сентябрь ойда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Туркман Ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги йиғилиши, Сув ҳўжалиги масалалари бўйича қўшма комиссиянинг биринчи йиғилиши, Тошхувоз ва Лебап вилоятлари делегацияларининг Хоразм ва Бухоро вилоятларига ташрифлари бўлиб ўтди.

Давлатлараро муносабатларда савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар асосий ўринни эгаллайди. Пандемия оқибатлари билан боғлиқ салбий тенденцияларга қарамай, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 3 баробарга ўсди. Жумладан, жорий йилнинг саккиз ойлик якунлари бўйича савдо айланмаси ҳажми 25 фозизга ошди.

Тошкент ва Ашхобод учун тўқимачилик, қурилиш, кимё ва электрон саноати каби қатор лойиҳаларда ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.



Сўнгги йилларда қўшма корхоналар сони 11 тадан 161 тага етди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришга мунтазам равишда кичик ва ўрта бизнес вакилларини қўшма тадбирлар, шу жумладан, бизнес-форумлар, кооперация биржалар, кўрғазма ва ярмаркаларда иштирокни таъминлаётган икки давлат Савдо-саноат палаталари муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шу муносабат билан 2020 йил октябрь ойда ишбилармон доираларнинг 30 дан ортқ вакиллари иштирок этган Ўзбек-Туркман ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилиши муҳим ҳисобланади. Тадбир довомида логистика ва мева-сабзавот маҳсулотлари соҳасидаги ҳамкорлик ва алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу йилнинг 4 октябрь кунин Тошкентда ўтган Ўзбекистон — Туркменистон иқтисодий форуми натижаларига кўра, истиқболли битим ва шартномалар тўплами имзоланди.

Транспорт соҳаси икки томонлама муносабатларда муҳим роль ўйнайди. Биргина шу йилнинг саккиз ойда халқаро юк ташвиш ҳажми 14 фозизга ўсиб қарийб 1,2 миллион тоннани ташкил этди.

Икки мамлакат транспорт коммуникация тизимларининг интеграцияси нафақат Ўзбекистондан Туркменистон орқали юк ташвиш, балки, Яқин Шарқ, Европа ва Осиё савдо бозорларига энг қисқа йўл орқали чиқиш имконини беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда туркман миллатига мансуб икки юз мингдан зиёд аҳоли яшайди. Улар мамлакатимизда кўп миллатли халқимиз билан ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириб, юртимиз равнақи йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон ташқи сиёсатда ҳам бир-бирини фаол қўллаб-қувватлаган ҳолда, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, БМТ,МДҲ, ИХТ, Халқаро Оролни кутқариш жамғармаси ва бошқа тузилмалар доирасида ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантириб бормоқда.

Бунга ёрқин мисол сифатида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари доирасидаги ўзаро ҳамкорликни айтиш ўринли. Эътиборлиси ушбу Маслаҳат учрашувларининг охириги саммити 2021 йил августда Туркменистонда бўлиб ўтди.

Айнан шу тадбирда илк бор Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти йиғилиши ва иқтисодий форум, миллий маҳсулотлар кўрғазмаси, миллий таомлар фестивали ҳамда санъат усталари концерти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Туркменистон ўртасидаги муносабатлардаги ўсиш суръатлари мамлакатларнинг конструктив сиёсий мулоқотни янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш борасидаги қатъий позициясини тасдиқлайди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусияти ва томонларнинг стратегик шериклигини мустаҳкамлаш тарафдори эканини ҳисобга олган ҳолда, яқин ва ўрта муддатли истиқболда қуйидаги йўналишлар асосий устувор бўлиб қолишини айтиш мумкин.

Биринчидан, ўзаро савдо алоқаларини ва саноат кооперациясини ривожлантириш. Албатта, ҳар икки мамлакат ҳам ўзаро савдои кенгайтиришдан жуда манфаатдор, шунингдек, бу борада улкан салоҳиятга эга.

Бунга Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар якунлари бўйича имзоланган чегара савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим, шунингдек, Ўзбекистон ва Туркменистонда ишлаб чиқарилган юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотларнинг ўзаро етказиб берилишини ошириш тўғрисидаги битим ва шартномалар қўмаклашади.

Ҳар икки мамлакат савдо айланмаси ҳажмини кенгайтиришнинг муҳим омили сифатида автомобилсозлик, қишлоқ ҳўжалиги, электротехника ва енгил саноатда йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали саноат кооперациясини ривожлантириш, шунингдек, чегарадош вилоятлар ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлигини фаоллаштиришни ҳисобга олиш зарур.

Иккинчидан, минтақадаги транспорт ва логистика йўналишларини диверсификациялаш. Ҳар икки давлат ташқи савдо товарларининг Шимол-Жануб ва Ғарб-Шарқ халқаро транспорт коридорлари орқали жаҳон бозорларига чиқишини таъминлайдиган ишончли транспорт йўлакларини яратишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлайди.

Бунга транспорт йўлакларини диверсификациялаш ва транзит ташвиш ҳажмини кенгайтириш имконини бе-

рувчи субминтақавий транспорт йўлагини ташкил этувчи Ашхобод келишуви асос бўлади.

Бундан ташқари, томонлар Марказий Осиё асосий бўғин вазифасини бажарувчи Осиёдан Европага олиб борувчи транспорт йўлагини шакллантиришни манфаатдор.

Учинчидан, Марказий Осиёдаги сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш ҳамда минтақавий экологик барқарорлигини таъминлаш.

Туркменистон ва Ўзбекистоннинг сув ҳўжалиги, экологик масалалар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича узок муддатли ҳамкорлиги, ўзаро позицияларини ҳурмат қилиниши ва ҳуқуқий манфаатларини ҳисобга олиш намунасирид.

Ўз навбатидида, таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз сув ҳўжалиги масалаларини ҳал қилишда ижобий тажрибага эга. Шу нуктаи назардан, жорий йилда Сув ҳўжалиги қўшма комиссиясини ташкил қилиш тўғрисидаги шартноманинг имзолиниши ва сентябрда Тошкентда унинг биринчи йиғилиши ўтказгани янада муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Туркменистон Халқаро Оролни кутқариш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича лойиҳаларни фаол бажариш, чўлланишга қарши БМТ Конвенциясини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш ниятини билдирди.

Ўзбекистон — Туркменистон томони, барча соҳада ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратган ҳолда, кенг кўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Кўп қиррали ҳамкорлик ва самарали алоқаларнинг мавжуд салоҳиятини амалга оширишга бўлган бундай интилиш, энг аввало, икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишга қаратилган.

Ташаббусларни биргаликда илгари суришда ўзаро қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилигининг икки томонлама ва минтақавий даражадаги амалий ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлаш истиги, бу шубҳасиз, минтақада тинчликни сақлаб қолиш, хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади ҳамда Марказий Осиёда барқарор тараққиёт омили ҳисобланади.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Аҳоли бандлиги доим долзарб масала бўлиб келган. Аммо одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, меҳнатга лаёқатини ошириш учун янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлашнинг ўзи камлик қилади. Бу борада ҳар бир ташкилотда ходимларга муносиб иш шароити яратиш, уларнинг ўз ишини мамнуният билан бажаришига мотивация бериш янада муҳим.

Барча тармоқларда бўлгани каби ушбу йўналишда ҳам мамлакатимизда аниқ, тизимли ишлар зарурлиги бир неча йил олдин яққол кўзга ташланди. Айниқса, юртдошларимизнинг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сони ҳамда фуқароларнинг даромадлари бўйича фарқларини даражасини янада камайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Ушбу масалаларнинг бир қисми Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида иш бошлаган янги тузилма зиммасига юклатилди.

ҲАМ ИШ, ҲАМ ДАРОМАД



Салоҳиддин САМАДОВ,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлиги ҳузуридаги
Жамоат ишлари жамғармаси
ижрочи директори

Белгиланган 8 та муҳим йўналиш бўйича фаолият олиб бораётган Жамоат ишлари жамғармаси ўтган давр мобайнида бу борадаги муаммоларни ўрганиб, уларга ечим топишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда, аввало, мажбурий меҳнатда, айниқса, болалар меҳнатига барҳам берилди. Ҳар йили ўтказиладиган пахта йиғим-терими даврида ўз ихтиёрига кўра гуруҳларга бирлашган теримчилар раҳбарларига жамғарма маблағлари ҳисобидан ойлик маошлари тўлаб бериш йўлга қўйилди.

Сир эмас, авваллари, ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа бюджет ташкилоти ходимлари мажбурий тарзда ободонлаштириш, тозалаш, оқлаш ишларига жалб қилинган. Эндиликда бу “тизим” барҳам топиб, жойларда ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ташкил этилди. Ҳозирги пайтда бу каби ишларни маҳаллаларда ишсиз сифатида рўйхатга олинган юртдошларимиз ойлик маоши эвазига бажармоқда. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дас-

турлари асосида ташкил этиладиган қурилиш ва таъмирлаш ишларига ҳам ишсиз, банд бўлмаган аҳоли жалб қилиняпти. Ана шундай жамоат ишлари сабаб юзлаб, минглаб кам таъминланган оилалар ишли бўлди.

Жамоат ишлари, айниқса, пандемия даврида одамларни меҳнатга жалб қилишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу вақтда ҳамма йўналишда бўлгани каби Жамғарма фаолиятида ҳам тўб ўзгаришлар юз берди. Ташкилот томонидан амалга оширилаётган 8 та йўналиш кенгайтирилиб, 12 тага етказилди. Ташкил этилган блок-постларда аҳолига моддий ёрдам сифатида тарқатиладиган маҳсулотларни етказиш, ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш бўйича ҳам ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ташкил этилди. Шунингдек, эпидемиологик вазият барқарор бўлмагани сабабли хорижга чиқиб кетолмаган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу тадбирлар учун Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрда қабул қилинган “Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига асосан, 2021 йил учун жамоат ишлари жамғармасига 250 миллиард сўм маблағ ажратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ана шу маблағлар ҳисобидан жорий йил январь-сентябрь ойларида туман (шаҳар) аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари томонидан шакллантирилган йиғма буюртмалар асосида 203 705 нафар ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларга ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этганлиги учун 148,5 миллиард сўм ўрнатилган тартибда тўлаб берилди.

Бу рақамлар шунчаки статистик маълумот эмас. Бандлиги таъминланган бир нафар фуқаронинг даромадга эга бўлиши нафақат унинг, балки оила аъзоларининг ҳам моддий қўллаб-қувватланганини аниқлатади. Ахир, ҳалқимизда “Бекор-чидан худо безор”, деган гап бор. Жамиятга қўшилган, ўз ойлик маошига эга бўлган фуқаролар боқимонданилик кайфиятидан қутилди. Қолаверса, улар ўзганинг мулкига ҳўз олайтирмайди, жойларда жиноятчиликнинг олди олинади.

БИТТА ТАДБИРКОР БИР НЕЧА КИШИНИ ИШЛИ ҚИЛАДИ

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “Темур тузуқлари” асариде ёзиллишича, “Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, масъуллар тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсинлар”. Ушбу тарихий ўғит бугунги замонавий ҳаётда ҳам ўз самарасини бермоқда. Жамоат ишлари жамғармаси бу борада ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга қўмаклашиш, “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзига хос лойиҳани амалга оширмоқда.

Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бўш ётган ерлардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида турли мини ускуналар, жиҳозлар қўлай шартлар асосида фуқароларга ижарага берилляпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 23 та тадбиркорлик субъектига жамғарма маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 4,5 миллиард сўмлик 861 дона тикув машинаси, дазмол, мотокультиватор, автомобиль ювиш шохобчаси жиҳозлари ижарага берилди. Натижада “Ёшлар дафтери”, “Аёллар дафтери”, “Темир дафтер”-га киритилган ишсиз, банд бўлмаган аҳоли учун 1 400 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу асосда Жамоат ишлари жамғармаси ҳам тадбиркорлик субъектлари билан фаол ҳамкорлик йўлини белгилаб олган.

Жойларда маҳаллабай юриб аҳоли муаммолари ўрганилганда, ишсиз, банд бўлмаган фуқароларга ўзлари яшайдиган ҳудудда иш ўрни яратиш кераклиги аниқланди. Шу билан бирга,

тадбиркорларнинг ҳам муаммолари ўрганилди. Банкка бориш, кредит олиш, гаровга қўйиш каби оворагарчиликларнинг олди олинди. Тадбиркор учун энг муҳим бўлган қимматли вақтни тежашга эришилди.

Қисқа қилиб айтганда, Жамоат ишлари жамғармаси тадбиркорларга ҳамкор бўлиб ишламоқда. Бизнес вақлига арзон ишчи кучи, қўлай ижара шартлари асосида ускуналар тақдим этилмоқда. Янги иш бошлаган тадбиркор оёққа туриб, ходимлар ўз ишини пухта ўзлаштиргунча, жамғарма маблағлари ҳисобидан ойлик маошининг 50 фоизи ҳам тўлаб берилляпти.

Бандлик масаласи мавзусида сўз юритганда, ёшлар бандлиги ҳақида гапирмаслиқнинг илоҳи йўқ. Йигит-қизлар бандлигини таъминлашда натижага эришиш қатор ташкилотлар, давлат идораларидан ҳамкорликда иш юритишни талаб этади. Шу мақсадда, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 2021 йил 3 мартда қўшма қарор имзоланди. Унга асосан, ҳудудий бошқармаларга 5 тадан 70 та, шаҳар, туман бўлимларига 3 тадан 618 та жамоатчи ёрдамчилар бириктирилди. Умумий ҳисобда 700 га яқин ёшнинг бандлиги таъминланди ва ойлик маошлари молиялаштириб берилмоқда.

Бу ёшлар ўзлари каби қанчадан-қанча йигит-қизларнинг ишга жойлаштирилиши, субсидиялар ажратилиши, тўғарақларга жалб қилинишига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Биргина Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида 38 611 нафар йигит-қиз истиқомат қилади. Туманда 230 нафардан ортиқ ишсиз ёшни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган тикувчилик, ҳисоб-китоб, компьютер саводхонлиги каби касб-ҳунарларга жалб қилиш, ўқишни тамомлаб махсус сертификатлар олиши учун яқиндан қўмақ берилди.

Бугун Жамоат ишлари жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ишларга нафақат тегишли мутасаддилар, балки халқаро экспертлар ва ташкилотлар ҳам жалб этилмоқда. Хусусан, 2020 йил 26 майдан 22 октябрга қадар ўтказилган “Ўзбекистон Республикасидаги Жамоат ишлари дастури ўзини ўзи баҳолаш” мавзусидаги вебинарда

“**БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ВА ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН 2021 ЙИЛ 3 МАРТДА ҚЎШМА ҚАРОР ИМЗОЛАНДИ. УНГА АСОСАН, ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРГА 5 ТАДАН 70 ТА, ШАҲАР, ТУМАН БЎЛИМЛАРИГА 3 ТАДАН 618 ТА ЖАМОАТЧИ ЁРДАМЧИЛАР БИРИКТИРИЛДИ. УМУМЙЙ ҲИСОБДА 700 ГА ЯҚИН ЁШНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ ВА ОЙЛИК МАОШЛАРИ МОЛИЯЛАШТИРИБ БЕРИЛМОҚДА.**”

Рамирро Пизарро, Майклъ Льюи-Ки-Сонг, Крис Донжерс, Иммон Дазерн, Ясмина Папа каби Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Жаҳон банки мутахассислари томонидан жамғарма фаолияти ўрганилиб, 2021 йил 12 мартда мазкур молия муассасаси гуруҳининг аъзоси, ижтимоий ҳимоя бўйича эксперти Марина Новикова томонидан тайёёрланган “Ўзбекистон фуқароларининг инқирозга жавоби” мавзусидаги тақдироти тегишли ташкилотларга тақдим қилинди.

2021 йилнинг 23 март кунидан бошлаб эса халқаро экспертлар — Америка Ҳазначилик департаменти эксперти Сета Вандергрифт, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти эксперти Жон Блондал, Европа иттифоқининг Давлат молиявий тизимини бошқариш бўйича эксперти Нина Хажоян, Осие тараққиёт банки эксперти Стюарт Колин Маугхам ва жамғарма ходимлари иштирокида “Дастурий бюджетлаштириш” тизимида мақсадли индикаторларни ишлаб чиқиш мавзусида халқаро семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Бу каби ҳамкорлик муносабатлари мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллики қисқартириш, одамлар учун муносиб иш шароитларини яратиб беришда халқаро стандартлар асосида замонавий ечимларни қўллашга хизмат қилмоқда.

АТРОФ-МУҲИТ

Оролбўйидаги экологик вазият:

ЗАМОНАВИЙ ЕЧИМ ВА ТАКЛИФЛАР

Неча йилдирки, Орол денгизининг қуриши минтақа халқларининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Асрлар давомида сув билан тўлиб-тошган денгиз ўрнини қумликлар эгаллаш нафақат сув муаммоси, балки кўплаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларни келтириб чиқараётгани ташвишли ҳолат.



Аббос ФАЙЗИЕВ,
эксперт

Бу масала жаҳон ҳамжамиятини ҳам ўйлантираётгани бежиз эмас. Боиси, ўтган асрнинг 60-йилларигача Орол минтақа ҳаёти, иқтисодий тараққиёти, яхлит ижтимоий инфратузилмаси шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Денгизнинг майдони ўртача 68,9 минг квадрат километр, сув ҳажми 1 083 куб километр, узунлиги 426, эни 284 километр, энг чуқур нуқтаси эса 68 метргача борган. Уша кезлари Орол денгизидан йилгига қарийб 35 минг тоннагача балик овланган. Маҳаллий аҳолининг катта қисми балик ва балик маҳсулотларини овлаш, қайта ишлаш, етказиб бериш билан шуғулланган.

Афсуски, йиллар ўтгани сари денгиз суви қурий бошлади. Сув сатҳи 29 метргача пасайди. Сув ҳажми эса 15 баробар қисқариб, юзаси 10 марта камайди. Оролнинг шўрланган даражаси деярли 25 маротаба ортиб, дунё океанлари минераллашуви кўрсаткичига нисбатан 11 баробар кўпайди. Ҳозир минераллашув денгизининг гарб қисмида бир литрга 160 грамм, шарқида эса 250-300 граммгача етган. Натижада бир вақтлар баллиқчилик тараққий

ётган Орол денгизи ўрнида — Қизилқум ва Қорақум ўртасида майдони 5,5 миллион гектарга тенг бўлган қум — Оролқум саҳроси пайдо бўлди.

Афсуски, денгизнинг қуриган тубидан кўтариладиган қум ва туз бўронлари борган сари авж олмақда. Таркибида нафақат атроф-муҳит, балки инсон саломатлиги учун ўта зарарли бўлган 100 миллион тоннадан ортиқ қум, туз зарралари ва кимёвий бирикма қондиқлари ҳар йили бир неча минг километр масофагача тарқалмоқда. Бу омиллар минтақа флора ва фаунасига ўнглаб бўлмас зиён етказди. Сувада яшайдиган жонотлар камайиб кетди. Бир пайтлари Орол сувларида мавжуд бўлган ўнлаб турдаги балиқлар ҳозирги вақтда умуман учрамайди.

Худудда биохилма-хиллик кескин қисқарди. Қўлон, турон йўлбарси, гизол, Осие гепарди, умуман, 12 турдаги сут эмизувчи, пушти сақоқуш, сарик қаркара, чуррак каби 26 турдаги қўш, 11 турдаги ўсимлик йўқ бўлиб кетди ёки йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Ўтган даврда Оролбўйи ҳайвонот дунёсининг 50 фойздан ортиғи бой берилди. Худуддаги тўқайзорлар майдони деярли 90 фоиз қисқарди.

Денгизнинг транспорт, балиқчилик, чорвачилик, мўйначилик ва бошқа аънавий фаолият турларидаги аҳамияти тушиб кетиши минглаб кишиларни ишсиз қолдирди. Худудда нафақат экологик, балки иқтисодий-ижтимоий муаммолар авж олди. Натижада экологик миграция жараёнлари бошланди.

Экологик муаммо минтақадаги иқлим шароитини оғирлаштириб, ёз даврида қуруқлик ва жазирамани кучайтирди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2035-2050 йилларга бориб минтақадаги ҳаво ҳарорати ҳозирги кўрсаткичларга нисбатан яна 1,5-3 даража ортиши мумкин.

Чўл ўрнида “яшил қоплама”

Сўнгги йилларда дунё ҳамжамияти бу масалага жиддий эътибор қарата бошлади. Чунки Орол денгизининг қуриши нафақат Марказий Осие, балки бутун дунё экологиясига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг оқибатларини тугатишда, айниқса, Ўзбекистон йирик лойиҳа ва ташаббусларни илгари сурмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, 2018 йил ноябрь ойида Орол денгизи фожиаси оқибатларининг олдини олиш мақсадида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама траст жамғармаси ташкил этилди. Ҳозир жамғарма халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва донорлар ҳамжамияти ресурсларини Орол денгизи минтақасидаги мурракб тадбирларни амалга ошириш учун сафарбар этиш бўйича янана платформа



ма саналади. Ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида 100 миллиард сўм маблағ ажратилиб, биргина 2019-2020 йилларнинг қиш-баҳор ойлари даврида Орол денгизи теграсидаги саксовул, черкез ўсимлиги плантациялари майдони 1,7 миллион гектарга етказилди. Бу ўсимликлар чанг кўтарилишини камайтириб, чўлланиш даражасини қисқартиришга хизмат қилади. Атрофдаги аҳоли нисбатан тоза ҳаводан нафас ола бошлайди. Ўз-ўзидан турли касалликларнинг авж олиш хавфи камаяди.

2018 йил август ойида Оролни кўтариш бўйича халқаро жамғарма таъсисчи давлатлари йиғилишида Ўзбекистон томони илк бор Оролбўйи минтақасига экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди мақомини бериш ташаббусини илгари сурди. Бу қарор минтақа давлатларининг умумий ҳаракатлари билан экологик тоза, энергия ва сувни тежовчи технологияларни жалб қилиш, яшор қилишга инвестицияларни ишлаб этиш, “яшил иқтисодиёт” таомийларини мажмуавий қўллаш, чўллашув ва экологик миграция жараёнларининг олдини олиш, экотуризмни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ёрдам бериши таъкидланди.

Экологик хавфсизлигини таъминлаш, табиат билан мурося қилиб яшаш нафақат бугунги, балки келажак авлод саломатлиги учун ҳам ниҳоятда муҳим. Шу боис, Орол муаммосини бартараф этишда кўплаб давлатлар, хусусан, Ўзбекистон қатор йирик лойиҳаларни амалга ошириб, зарур маблағларни ажратмоқда. Президентнинг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар майдони унинг жами ҳудудига нисбатан 60 фойзгача етказилиши белгиланган.

Оролбўйи ҳудудида мавжуд аҳолини яхшилаш мақсадида икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишлар бажарилмоқда. Ҳозир Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 2 424,27 минг гектарни ёки Қорақалпоғистон ҳудудининг 15 фойзини ташкил қилади.

Бугунга қадар жами 1,2 миллион гектарга яқин майдонда саксовул, қандим, қорабуроқ ва бошқа чўл ўсимликлари экилиб, ҳимоя ўрмонзорлари яратилди. 2020 йил баҳор мавсумининг ўзида Орол денгизининг қуриган тубида 706,4 минг гектар майдонга шундай ўсимликлар экилди.

Шу билан бирга, Оролбўйи минтақасида Марказий Қизилқум миллий табиат боғи, Борсакелмас буюртма қўриқонаси, Возрождения ороли буюртма қўриқонаси, Оқтоғ давлат қўриқонасини ташкил этиш режалаштирилган, денгизнинг қуриган тубида ва минтақада мавжуд табиий ландшафтлар ва ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофаза қилиниши кўзда тутилган.

Бу каби ишлар натижасида Қорақалпоғистонда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар 3,8 миллион гектарга етиб, умумий майдонига нисбатан улushi 22,8 фойзини ташкил этади. Қизил китобга киритилган ҳайвонот дунёсининг 84 та ҳамда ўсимлик дунёсининг 20 та тури муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар билан қамраб олинади. 200 га яқин янги иш ўрни ташкил этилиши баробарида мазкур ҳудудларда экологик туризмни ривожлантириш институционал базаси ҳамда инфратузилмаси ривожлантирилади.

Орол муаммоси катта ва долзарб масала. Унинг нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиега салбий таъсирини камайтириш учун бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар аниқ ва асосланган мақсадларга қаратилиши лозим.

Биринчидан, чўл зонасида озукабон ҳисобланган чочон, терескан, боғлич, қайроук каби ўсимликларни янада кўпайтириш яхши самара беради. Бу ишларни бажариш орқали чорвачилиқни ривожлантириб, янги иш ўринларини яратишга эришиш мумкин. Бу эса озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳам хизмат қилади.

Иккинчидан, иқлим ўзгариши шароитларида экологик ҳолатни юмшатиш, қолаверса, ҳудуднинг ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлаб қоллишда тўқайзорлар муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, Оролбўйидаги тўқайзорларнинг 90 фойздан ортиғи батамом йўқ бўлиб кетган. Сув ҳавзалари бўйида тўқайзорларни тиклаш юзига келган муаммоларни бартараф этишнинг энг мақбул йўлидир.

Учинчидан, сув ресурслари истеъмолнинг 70 фойздан ортиғи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келишини инобатга олиб, аграр секторда сув тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини камайтиришга эришиш мумкидир. Ушбу тармоқда сувдан оқилона фойдаланиш ерининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, тупроқ унвдорлигини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, Оролбўйи атрофида кичик (локал) қўллар барпо этиш ҳам муҳим масалалардан бири. Бу қум кўчишини сақлашнинг муҳим омилдир. Мўътадиллигини сақлашнинг муҳим омилдир.

Бешинчидан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ноёб, кам сонли, йўқолиб кетиш арафасида турган тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаб қоллишда алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, Оролбўйи ҳудудида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, экотизм ҳолати бўйича доимий мониторингни янада жонлантириш лозим. Шунингдек, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий экологик индикаторларни ишлаб чиқиш, Оролбўйи ҳудудида экологик ҳолатни баҳолаш ва баҳорат қилиш бўйича узлуксиз мажмуавий мониторинг қилиш тизимини шакллантириш жоиз.

Мазкур вазифалар қаторига экологик инновациялар ҳудуди учун янги илғор меъёрий-ҳуқуқий база шакллантириш ҳамда инновацияларни жалб қилиш учун самарали ишлайдиган молиявий тизим яратишни киритиш зарур. Таъдиқот институтлари, университетлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигини рағбатлантириш кабилар ҳам шулар жумласидан.

Муктасар айтганда, Оролбўйи, умуман, минтақа экотизмининг барқарорлаштиришга оид ишлар ва тақрифлар муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Орол денгизининг қуриган тубини ўрмонлаштириш, атроф-муҳит ҳолатини юмшатиш, табиий ресурслар деграссацияси, қум ва чанг кўтарилишининг олдини олиш, фауна кўпайиши ва тарқалиши учун қўлай экотизм шакллантириш, чўл ўрмонлари майдонлари ва биохилма-хиллиқнинг кенгайиши минтақада иқлим ўзгаришини юмшатишга шароит яратади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

тараққиётнинг тамал тошидир



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети
ректору

Кейинги йилларда мамлакатимизда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, келажақ бунёдкорлари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуқсиз тизим яратилаётир. Хусусан, миллий таълим сифатини янги ва юқори босқичга олиб чиқиш, шунинг баробарида олий таълимни юртимизга хос ва мос тизимга айлантиришни кўзда тутган юксак ислохотларнинг олий таълим муассасаларидаги амалий ифодалари Фарғона давлат университетида ҳам бўй кўрсатмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида университетнинг нуфузи ва илмий салоҳияти сезиларли даражада ошди. Жорий йилда жамоамиз сафига 3 нафар фан доктори, фанлар бўйича 32 нафар фалсафа доктори қўшилди.

Сўнгги йилларда 2 та янги факультет, 5 та янги таълим йўналиши фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган йили профессор-ўқитувчиларимиз сафига 59 нафар ёш қабул қилинган бўлса, бу йил ёш олимлар сафи янада кенгайди.

Бугун шиддат билан янгиланиб бораётган давр барчамизни жамиятда кечаётган ўзгариш ва юксалишларга дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундамоқда. Зеро, сўнгги йиллардаги ислохотлар самараси барча соҳаларда ўз ифодасини топаётгани, энг муҳими, ёши, касби, меҳнат фаолиятидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз қалбида бахтли ва фаровон ҳаёт шукронаси акс-садо бераётгани бизни шу юртдаги ҳаётбахш янгиланишлар билан бирга одимлашга ундайди.

Жорий йилда 25 нафар тадқиқотчи-олим докторлик диссертацияси ёклаши режалаштирилган. 2022 йил учун стажёр-тадқиқотчи, таянч докторантура, докторантурага қабул квотаси 2 баравар оширилгани биргина таянч докторантурада бу кўрсаткич 52 тани ташкил этиши ёш тадқиқотчи-олимларимиз сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтисодри ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”-ги фармони ёш ва изланувчан педагог-талабалар учун аини муддао бўлди.

Мамлакатимизда илк мартаба олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган “Илҳом” миллий мукофоти танловидида филология факультети талабаси Қобилжон Шерматов ғолиблар қаторидан ўрин олгани ҳам университетда Фарғона филология мактабининг бугунги ёш авлоди шаклланиб келаётганининг исботидир.

Университетда ташкил этилган Гендер тенглик тадқиқотлари маркази ва “Болажон” инновацион маркази ҳам ҳудудда ягона ҳисобланади. Олий таълим муассасамизда таҳсил олувчи 14 минг нафардан зиёд йигит-қизнинг пухта билим олиши ва самарали илмий фаолият юритиши учун мазкур марказлар алоҳида хизмат қилади.

Фарғона давлат университетидаги халқаро олий таълимдаги ютуқларни ўзлаштириш ва таълим сифатини дунё стандартлари даражасига кўтаришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳам янги босқичга чиқди. Жумладан, Япониянинг Тохоку университети, Россиянинг Москва давлат университети, Корея Республикасининг Хангук университети, Қозғистоннинг Евроосиё

миллий университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Хитойнинг Конфуций институти, Швециянинг Лунд университети сингари 70 дан ортиқ нуфузли олий таълим муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик талабаларнинг халқаро стандартлар асосида билим олиши учун замин бўлмоқда.

Россия Федерациясининг Қозон федерал университети билан “филология ва тилларни ўқиш: рус тили” йўналишида қўшма таълим дастури йўлга қўйилгани бу борадаги муносиб қадам бўлди. Мазкур йўналишдаги ҳамкорлик Томск ва Санкт-Петербург давлат университетлари билан ҳам ўрнатилиши режалаштирилган.

Фарғона давлат университети ва Венгриянинг Etvosh Lorand университети ўртасида мевачилик ва узумчилик йўналишида қўшма факультет ташкил этилиши олийгоҳимизнинг аграр соҳа мутахассисларини тайёрлашдаги тажрибасига билдирилган ишонч белгисидир. Илм масканимизнинг АҚШнинг Teaching Fellow, Fulbright, UniCEN, Корея Республикасининг KOICA, Германиянинг DAAD лойиҳаларидаги фаол иштироки ҳам таълим сифати ва самардорлиги янада ошишини таъминляпти.

Жорий ўқув йилида энг замонавий талаб ва стандартлар асосида қайта реконструкция қилинган филология факультети биноси фойдаланишга топширилгани сифатли таълимни ташкиллаштириш йўлидаги амалий ишлардан бири бўлди.

Энг қувонарлиси, бундай янгиланиш жараёнларида олийгоҳимиз илмий жамоасининг ишга, ҳаётга муносабати ва масъулияти тубдан ўзгарди, улар илмий, инновацион янгиликларга интилиб, илғор таълим технологиялари ва методикаларини пухта ўзлаштириб боришмоқда.



ТИЛ — МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Халқимизнинг кўп асрлик илмий, маданий, маърифий ҳаёти, бадий ижод тафаккурининг ёрқин маҳсули бўлган она тилимиз — ўзбек тили ер юзидаги қадимий, бой тиллардан бири ҳисобланади. 2020 йил кузида БМТ минбарида тарихда биринчи марта ўзбек тилида нутқ сўзланди. Бу ота-боболаримизнинг, айниқса, маърифатпарвар жадидларимизнинг орзуси эди.

ҲУҚУҚИЙ АСОС ВА ЮКСАК МАҚОМ




Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти ҳокимининг
маслаҳатчиси

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллигига қўйилган дастлабки дадил қадам бўлиб, ушбу тарихий ҳужжат орқали ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда юксак мақомга эга бўлди.

Мамлакатимизда миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг нуфузини янада кўтариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқдаки, бугун ҳар бир юртдошимиз буни дилдан ҳис этиб турибди. Кейинги йилларда она тилимизга бўлган эътибор алоҳида эътирофга лойиқ. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда шу университет қошида давлат тилида иш қиритиш асосларини ўргатуви махсус малака ошириш курслари ташкил этилиши тилимизнинг тарихий тараққиётини, бой

маданий-адабий меросимизни қуқур ўрганиш орқали илмий асосда ривожлантириш, ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, иқтисодри филолог кадрлар тайёрлаш ишларини янги лўғонага кўтарди.

Бугун Ўзбекистонда ўзбек тилига бўлган муносабат, тил ўрганишга бўлган эътибор ва интилиш тубдан ўзгарди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Айниқса, “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси”нинг тасдиқлангани бўлди.



2020 йил 10 апрель куни “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни имзоланди. Бу хушхабар нафақат юртдошларимиз, балки ер юзидаги 50 миллиондан ошиқ ўзбекларни қувонтирди. Бу она тилимизнинг ҳаққоний тантанаси, давлатчилик анъаналаримизнинг юксак тараннуми эди. Қонунга мувофиқ, ҳар йили 21 октябрь куни Ўзбек тили байрами куни деб белгиланиб, Мустақиллик байрами каби умумхалқ байрамига айланди.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида, маҳалла ва овулларда кенг миқёсда тантанали нишонланиши қатъий белгиланди. Бу йилги байрам шодиёналари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги узвий давоми сифатида нишонланиши билан тарих саҳифаларидан жой олади.

Шу кунларда бутун мамлакатимизда, жумладан, Тошкент вилоятида яшаётган кўп миллатли аҳоли ўртасида ҳам Ўзбек тили байрами кунига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирган.

ТАҚДИМОТ

МАТБУОТ ХАЛҚНИНГ ТИЛИ, ДИЛИ СИФАТИДА ИШ КЎРМОҒИ ЗАРУР

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида маълум вақт чоп этилиши тўхтаб қолган “Ўзбекистон матбуоти” журнали яна ўқувчилар ҳуқуқига ҳавола этилгани муносабати билан тақдимот бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон матбуоти” журналистик илмий ишларни ёритувчи журнал бўлиб, илмий-маърифий, филология бўйича Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган.

“Ўзбекистон матбуоти” журнали 1918 йилда “Туркистон матбааси” (1918-1924 йиллар) номи билан ўзбек ва рус тилларида ойда 2 марта чиққан. Шундан сўнг турли йилларда турли номларда чоп этилган нашр 2017 йилда молиявий қийинчиликлар сабабли фаолиятини тўхтатган эди.

— Аънавий газета-журналлар юз йиллар давомида бир неча авлодга хизмат қилиши, ҳатто ундаги ахборотлар эскирган тақдирда ҳам, тарихий ҳужжат аҳамиятига молик ҳолда архивларда, музейларда сақланиши мумкин, — дейди журнал бош муҳаррири Нодирахон Абдуллаева. — Худди минг йиллар аввал ҳали қороз кашф этилмаган пайтда папирусга ва қоятошларга ёзилган ёзувлар сақлангани каби босма ОАВнинг ҳам умри узок, уларда қайд этилган ахборотлар ўша даврни тарихий ўрганиш нуқтаи назаридан фойдали ва аҳамиятли бўлиб қолаверарди. Умид қиламизки, журналистик яна ўз ихлосмандларини ижодхона атрофида жамлай олади.

Тақдимот сўнгиди иштирокчилар кейинги пайтларда босма нашрларга бўлган эътибор ва



юртимизда чоп этилаётган газета-журналлар мундарижаси ҳусусида фикр алмашди.

Ишонамизки, мазкур нашр келгусида журналистларнинг заҳматли фаолиятини ёритиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятимиздаги турли масалалар юзасидан ҳолис фикр айтишда муҳим минбар бўлади, қолаверса, ўзбек журналистикасига оид ҳали очилмаган қирралар, изланиш ва тадқиқотларга кенг ўрин беради.

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ЎЗИГА ХОС ҲАЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



— Ўйда бўш ўтиргандим, танишларим шахримизда “Ишга марҳамат!” мономаркази очилгани, у ерда хотин-қизлар учун касб-хунарлар бепул ўргатиётганини айтишди. Марказда сиз истаган хунарни эгаллаш учун барча шароитлар ва асосийси, тажрибали устозлар бор экан. Қисқа фурсатда тикувчилик сир-асрорларини ўргандим ва хусусий корхонага ишга жойлашдим, — дейди Урганч шахрининг Комилжон Отаниёзов номидаги маҳалласида яшовчи Нукулой Иброҳимова. — Бу ерда мен каби юзлаб хотин-қиз ва ишсиз ёшлар касб-хунар ўрганмоқда. Бундай шароитларни яратиб берган давлатимиз раҳбарига мингдан-минг раҳмат!

Шундай миннатдорчилик сўзларини бугун даргоҳнинг беиннат хизматлари туфайли касб ўрганган ва иш толган юзлаб инсонлар айтмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат қаратилганини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан кейин Урганч шахрида замонавий лойиҳа асосида қурилган “Ишга марҳамат!” мономаркази фаолият бошлаган.

Мономарказ вилоят меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шунингдек, хорижда ҳам ишлаш имкониятига эга зарур 25та касб-хунарга ўргатишни йўлга қўйди. Жумладан, ишсиз хотин-қизлар учун сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида 6 та, ёшлар учун техник соҳада 7та касб-хунарга ўргатаяпти.

Ишсиз ёшлар, айниқса, техник соҳаларга кўпроқ қизиқишлари маълум бўлди. Сантехник, электрик, электромонтёр, машиний уй-рўзгор ва электр жиҳозларни таъмирлаш устаси, автосервисда хизмат кўрсатиш каби касб-хунарларга ҳаминша эҳтиёж бор. Ёки вилоятда бугун қурилишлар ҳажми кескин ошгани пайвандчи, сувоқчи, гишт, кафель терувчи, бўёқчи, крани бошқарувчи машинист, дурадгор каби касб эгаларига бўлган эҳтиёж

ни оширяпти. Мономарказда ушбу касб ва хунарни пухта ва мукамал ўрганган ёшлар иш шароитлари ва маоши яхши бўлган қурилишларга ишга жойлашмоқда. Айни пайтда ушбу касбларни ўрганган ёшларга хорижда ҳам талаб катталиги инobatга олинапти.

Бундан ташқари, мономарказда рақамли технологияларни ўргатиш махсус курси ҳам фаолият юритиб, бу курсларда ҳисобчи ҳамда дастурчилар тайёрланаяпти. Кишлоқ хўжалиги соҳасида эса асаларичилик ва гидропоника сир-асрорлари ўргатиляпти.

Шунингдек, марказда инглиз, турк, япон, хитой, корейс ва рус тилларини ўргатиш бўйича қисқа курслар ҳам ташкил қилинган.

Мономарказ фақат касб-хунарга ўргатибгина қолмасдан, бандлик масалалари бўйича энг яқин маслаҳаттўй ҳамдир. Касбий малака талаб қиладиган ишни танлаганлар ўқув курсларига жалб қилиниб, кейинчалик уларни иш билан таъминланишида яқиндан ёрдам берилади. Бошқа давлатларга кетиб ишлашни хоҳловчиларга ўзи танлаган хорижий тил ўргатилиш асносида, уларга зарур кўникмалар ҳам берилади.

Мономарказ юқорида санаб ўтилган барча 25та касб-хунар бўйича энг замонавий жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва дастохларга эга. Бу эса ўрганиш жараёнини амалиёт билан биргаликда олиб бориш имкониятини яратмоқда.



Тадбиркорликка кенг имкониятлар ва шароитлар яратилган ҳозирги кунда кўпгина ёшлар ўз бизнесини бошлаш ҳавасида эканлиги инobatга олин

иб, марказда тадбиркорликка тайёрлаш тизими ҳам йўлга қўйилган. Зарур касб ва хунарни ўрганган кўпгина ёшлар ўтган даврда оилавий ва хусусий тадбиркорлик йўлини тутгани, кимдир гузаллик салони, яна кимдир майиш хизмат шохобчаси очгани, аста-секинлик билан ўз бизнесини йўлга қўяётгани бежизга эмас.

“Ишга марҳамат!” мономаркази иш бошлаганига эндигина етти ой бўлди, аммо шу даврда замонавий, кўркам бу даргоҳ маълум ва машҳур бир масканга айланди. Бу марказда ўқишни битказиб, қўлига касб-хунар ёки тил ўргангани ҳақида сертификат олганлар кадрдон маскани “Ўзига хос ҳаёт университети” деб аташяпти.

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун истиқлолимизга ўттиз йил бўлди, мустақил мамлакатимиз чиндан ҳам шон-шуқуҳ билан жаҳонга чиқиб бормоқда. Ўзбекистонда тарихни янгича кашф этиш давом этмоқда, янгича қарашлар пайдо бўлмоқда. Бу ҳаммамизни қувонтирмақда, кўнгилларимизга ғурур бағишламоқда. Шундай бир пайтда жаҳонда биз ҳақимизда, аниқроғи, тарихимизга, улуғ боболаримизга, хусусан, Соҳибқирон Амир Темурга қандай қарашларига бир назар ташлаб ўтишни лозим топдик.

УЛУҒ БОБОМИЗ НОМИНИ ҚАЧОН ТЎҒРИ АТАЙМИЗ?



Муҳаммад АЛИ, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, профессор

Жаҳон матбуотида, оммавий ахборот воситаларида Амир Темур ҳақида ижобий қарашлар кўпайиб бормоқда, яхши томонга узгармоқда. Бошқа мамлакатларда анжуманлар ўтказилмоқда, уларда Ўзбекистон олимлари иштирок этмоқда. Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни дунёга ёйишмоқда. Бу қувонарли ҳодиса! Чунончи, Россиянинг “Аргументы и факты” газетаси тарихда биринчи марта бобомизнинг исмини тўлиқ ёзиб, “Амир Темур: узнать и оценить” сарлавҳали бир саҳифа мақола эълон қилди. Унда Амир Темур давлат арбоби, ислохотчи сифатида талқин этилди. Соҳибқиронни ислохотчи, унинг номини Темур эмас (ҳатто ўзимизда ҳам шундай дегувчилар бор!) балки ҳурмат билан тўлиқ Амир Темур деб ёздилар, у ҳақда ёзганда, албатта, “билиб, кейин баҳо бериш керак” лигини таъкидладилар.

Яширишнинг ҳождати йўқ, жаҳонда чиқадиған турли китоб, дарслик ва энциклопедияларда, оммавий ахборот воситаларида, илмий тадқиқот ва романларда Амир Темур ҳақида атайлаб нотўғри, асосан, соя ташлағувчи маълумотлар кўплаб чоп этилмоқда, тарғибу ташвиқ қилинмоқда. Яна ҳам аянчлиси, улар урчиб жаҳон матбуотиға кўчиб ўтмоқда ва бу жараён ҳали-ҳануз тўхтайдиганға ўхшамайди. Бу ерда долзарб ва муҳим масалалардан бири жаҳонда Амир Темур исмиға турлича нотўғри ёндашишлар эканини айтиб ўтаимиз ва бунға ўз муносабатимизни билдирамиз.

Яқинда мамлакатимизда Амир Темур таваллудининг 685 йиллиғиға бағишланған халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг ўн тўрт давлатидан темурушunos олим ва адиблар иштирок этди. Тошкент, Самарқандда учрашувлар қизғин кечди. Шахрисабзда очилған “Амир Темур дунё олимлари ва адиблари нигоҳида” мавзудидаги халқаро илмий-амалий анжуман ялли мажлисдан кейин тўртта шўъбаға бўлиниб иш олиб борди. Турли мамлакатлар олимларининг Амир Темур даври, ҳаётиға бағишланған маърузалари тингланди. Анжуманда, айниқса, Амир Темур шаънини улуғлаш ҳамда унинг исми жаҳон ахборот воситаларида, энциклопедияларда турлича ёзилиб келинаётганиға кескин фикр билдирилди ва бунға бефарқ қараб туриш мумкин эмаслиғи таъкидланди, уни идентификация қилиш (бирхиллаштириш) масаласи уртаға ташланди.

Тарихий китобларда, манбаларда кўрсатилишича, соҳибқироннинг пири Шайх Шамсиддин Қуллоп қўйған исми **Темурбек**дир, давлат бошиға келганидан кейин исми Амир Темур, гоҳида **Амир Темур Кўрагон** деб аталадиган бўлди. Лекин жаҳон оммавий ахборот воситаларида, илмий тақиқотларда, афсуски, бошқа манзарани кўрамиз. Гапни чўзмай, мисолларға мурожаат қила қолайлик. Тасаввур тўлароқ бўлиши учун авваллари нашр этилған машхур китобларни варақлаймиз.

Мана, қўлимизда Ф.А.Брокгауз ва И.А.Ефроннинг 1901 йилда чоп этилған машхур “Энциклопедик луғат”и (“*Энциклопедический словарь*”) ўттиз учинчи томи. Унда шундай ёзилади: “**Темур (Тамерлан)** — жаҳоннинг буюк жаҳонғирларидан бири. 1336 йил 11 мартда (ҳолбуки, у 9 апрелда туғилған — **М.А.**) Бухоро хонлиғида ёки унинг чек қароғидаги Кеш (ҳозирги Шахрисабзда) туғилған. Турклашған барулас деган мўғул қабилисидан...” (“Турклашған барлос қабилиси” деган ибора ана шундай пайдо бўлди. Аммо бу фикр қаердан олингани айтилмайди. Бу ёғи суриштирилса, барлос уруғи ўзбекларда ҳам бор-ку — **М.А.**). Темур Чингизхондан катта билим соҳибӣ экани билан ажралиб туради. ...Темур ўз она (турк) тилидан ташқари форс тилини ҳам биларди. ...Ўзи фаол иштирок этиб қурдирған бино-иморатлари кўп. Уларда (Темурнинг) нозик диди, санъатни теран англаши кўриниб туради...”.

Ўттиз томлик “Британника энциклопедияси” (“*Encyclopedia Britannica*”)нинг (1902) 23-томида бундай ғалати таъриф учрайди: “Темур. Темур Бей ёки Темур Ланг. “Оқсоқ Темур” — бузилиб Тамерлан бўлған — Шарқнинг машхур жаҳонғири... Унинг отаси Тарағай барлос қабилисининг бошлиғи бўлған...”(399-бет). Шу китобнинг учинчи томида Бобур ҳақида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: “Бабер. Заҳири-ад-дин Муҳаммад...Номи йўлбарс ёки Бабер, Ҳиндистоннинг машхур жаҳонғири ва Мўғул (?) сулоласи асосчиси... Чингизхон ва Темурнинг авлоди...”.

“Оксфорд Референс диқсионери” (“*Oxford Referens dictionary*”) (1986) китобининг саккиз юз ўттиз саккизинчи бетида қуйидагича маълумот ҳавола қилинған: “Тамерлан (вафоти 1405), Темур ленк ёки ланг (Оқсоқ Темур), XIV аср охири — XV аср бошларида Осиёнинг катта қисмини забт этган мўғул (?) подшоҳи. Ҳиндистонда мўғул сулоласига асос солған...” (Ана холос! — **М.А.**) “Бобур (1483-1530) Тамерланнинг авлоди бўлған биринчи мўғул императори (!) У 1523 йилда Ҳиндистонға бостириб кириб, Оксусдан Патнаға қадар жойларни забт этди...”.

Нью-Йоркда нашр этилған “Ўқувчининг беэаки энциклопедияси” (“*Pupil’s illustration Encyclopedia*”) да (1989) писандсизлик билан бундай таъриф бериледи: “Тамерлан... Тамбурлейн ёки Таймур ҳам дейишади (?). Мўғул жаҳонғири. У ўзининг кўчманчи ўрдасини (унда кўчманчи ўрда бўлмаган, балки олий қароргоҳ — “хумоюн ўрду” бўлған — **М.А.**) Марказий Осиёдаги пойтахти Самарқанддан то Эрон, Туркия, Россия ва Ҳиндистонға бўлған катта майдонларға бошлаб борди...”.

Бобур ҳақида: “Ба-бер ёки Ба-бар ёки Ба-бур, асл исми Заҳириддин Муҳаммад. Ҳиндистоннинг мўғул жаҳонғири. Чингизхон билан Тамерланнинг авлоди... Ҳиндистонда 1857 йилғача ҳукм сурған мўғул сулоласига асос солди...”.

“Колумбия энциклопедияси” (“*Columbia Encyclopedia*”) (1993)да бундай таърифни учратамиз: “Тамерлан ёки Темур — мўғул жаҳонғири... Самарқандға яқин Кешда туғилған. ...Унинг ихобий ютуқлари одамлар учун санъат, адабиёт, илмфан ва бунёдкорлик ишларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқдир...”.

“Бобур (турк.-йўлбарс) Ҳиндистондаги мўғул империяси асосчиси... У Тамерлан ва Чингизхон авлоди...”.

Энди ўттиз томлик “Янги Британника энциклопедияси” (“*New Encyclopedia Britannica*”)га назар таштайлик. Шуни айтиш лозимки, ушбу нашр илк марта 1768 йилда чоп этилған. Биз 1994 йилда чиқарилған ўн бешинчи нашри ҳақида сўз юритамиз. “Темур... Темур Ленк ёки Темурленк (туркча — Темур оқсоқ). Инглизча: Тамерлан ёки Тамбурлейн... (Бир одамда ҳам туркча исм бор, ҳам инглизча! — **М.А.**) Ислом диниға мансуб турк жаҳонғири... Асосан, ваҳшиёна урушлари турфайли эсланади...” “Бобур (арабча: йўлбарс) Ҳиндистонда мўғул

сулоласи асосчиси ва императори, мўғул жаҳонғири Чингизхоннинг, шунингдек, Темурнинг авлоди...” (Бобур Амир Темур авлоди бўлса, қандай қилиб мўғул сулоласи асосчиси бўлади? — **М.А.**).

“Рендом Хаус вебстерс” (“*Random House Webster’s*”) (Нью-Йорк, 2000 йил) энциклопедияси таърифда барчасидан ошиб тушади: “Там-ер-лан (Темур Ленк) — Жанубий ва Ғарбий Осиёдаги тар-тар (?) жаҳонғири... Самарқандда ҳокимлик қилған. Яна уни “Тамбурлейн, Таймур, Темур” деб ҳам атайдилар...”.

Бобур бу ерда ҳам мўғул сулоласи асосчиси, деб таърифланған.

1829 йилдан нашр қилина бошлаган ўттиз томлик “Американа энциклопедияси” (“Encyclopedia Americana”)нинг нисбатан яқиндаги 2001 йилдаги нашрини варақлаб кўрайлик-чи. Унда бундай маълумотларға кўзимиз тушади: “Темур... Чингизхон империясини тикламоқчи бўлған марказий осиелик жаҳонғир... Турклашған мўғул барлос қабилисига мансуб...” “Бобур... Ҳиндистонда мўғул сулоласи асосчиси. “Йўлбарс” маъносини бергувчи мўғулча сўздан Бабар ёки Бабер ҳам дейишади. Чингаой турк бўлған Бобур Темур (Тамерлан) ва Чингизхон авлодидир...”.
Ўзи турк бўлса, қандай қилиб уни Чингизхон авлоди дейиш мумкин? (Фурсатдан фойдаланиб, Бобур Мирзо ҳақидаги маълумотларни ҳам кўриб қўйиш фойдадан холи эмас, деб ҳисобладик. — М.А.).

Фикримизча, жаҳон афкор оммаси тез-тез фойдаланиб турадиган қўриқдаги китоблардан келтирилган мисоллар етарли. Чамаси, бу нашрларни тайёрлаган мутасаддилар мазкур сиймолар ҳақида мавжуд бўлған эски манбаларни бошқаларига солиштириб ўтирмай, текширмай, дунёда юз бераётган янгиликлар билан қизикмай, қўл остида борларидангина фойдаланиб қўя қолғанлар. Йўқса, Амир Темур айни бир пайтда ҳам мўғул, ҳам турк, ҳам тартар (яъни Олтин Ўрда, оқибатда — мўғул) жаҳонғири бўлармиди? Исми ҳам Тамерлан, Тамбурлейн, Тимурленк, Темур Ланг, Таймур, Темур, Темур Оқсоқ ва ҳоказо шаклларда берилармиди? Туркча, арабча, форсча, русча, инглизча тилларда хилма-хил номланармиди? Бу бедодлик эмасми? Ҳатто бундан йигирма йилгина олдин Нью-Йоркда чиққан юқорида келтирилған нашрда унинг номи Тамерлан деб олинади, кейин Темур деб ҳам атайдилар”, дея таъкидланади. Унинг номини Темур ҳам деб аташар эмиш! Ёқангни ушлайсан киши!

Ҳолбуки, Испания элчиси Руи Гонсалес де-Клавихо узининг жаҳонда кенг тарқалған машхур кундалиқларида олти юз йил аввал айни шунга эътибор бериб, авлодларни бундай огоҳлантирган эди: “...Тамурбекнинг ҳақиқий исми Тамурбек, зинҳор биз атаб юргандай “Таморлан” эмасдир. Тамурбек — Темир бек (сеньор) деганидир. Таморлан (деган ном) бек шаъниға тўғри келмайди, агар уни камситмоқчи бўлсалар шундай атайдилар, чунки Тамарлан — оқсоқ деганидир...” (Руи Гонсалес де-Клавихо. “Самарқандға Темур саройиға саёҳат кундалиғи. (1403-1406)”. И.С.Мирокова таржимаси, М., 1990. 69-бет). Чамаси, мазкур энциклопедиялар мутасаддилар Клавихонинг кундалиқларини ўқимаган кўринадилар.

Юқорида биз жаҳонда машхур саккизта, асосан, инглиз тилидаги энциклопедияғина назар ташладик. Агар уларнинг икки юз-уч юз йилдан буюн миллион-миллион нусхада нашр этилиб келаётганини, қайта-қайта нашрдан чиқарилаётганини, пешима-пеш бутун дунёдаги кутубхоналарға тарқатилганини ҳисобға олсак, улуғ бобомиз ҳақидаги нотўғри маълумотлар қанчалар ёйилиб кетганини



тасаввур қилиш қийин бўлмайди. Бунға қаттиқ афсусланмай илжой йўқ.

Энциклопедиялардаги мақолалар қандай манбалар асосида тайёрланганиға ҳам бир эътибор бериб кўрайлик.

Чунончи, “Американа энциклопедияси”даги мақола Жон Эндрю Бойл (Манчестер университети) қаламиға мансубдир. Муаллиф қандай манбалардан фойдалангани ҳам ўқувчиға қизиқ бўлиши табиий. Мақолани ёзишда муаллиф маълумотларни Жин ду Бекнинг “Буюк император Тамерланнинг тарихи” (1597), Рене Груссеннинг “Сахро салтанати” (1970 йилги нашри), Беатриса Манэнинг “Тамерланнинг давлати ва парвози” (1989), Давид Николленинг “Мўғул саркардалари: Чингизхон, Кубилайхон, Хулагу, Тамерлан” (1990), Георгий Вернадскийнинг “Мўғуллар Россияда” (1953) китобларидан олған... Кўриниб турибдики, муаллиф асл манбалардан йироқ, учинчи-тўртинчи манбаларға мурожаат қилған. Ҳолбуки, олим асл манбаларға суяниши лозим эди. Асл манбалар қайсилар? Булар — “Темур тузуқлари”, Ғиёсиддин Алининг “Ҳиндистон ғазовоти кундалиғи” (1400), Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” (1404), Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” (1425), Клавихо кундалиғи (1412), Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” (1436), Фасиҳ Хавофийнинг “Мужмали Фасиҳий” асарларидир. Бу китобларнинг муаллифлари Амир Темур даврида яшаган, уни ўз кўзлари билан қўрган, айримлари кўришган, шу сабабдан улар ишончли манбалар ҳисобланади. Тасаввур учун биргина мисол келтирдик, холос.

Хуллас, бундай қаралса, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ортидан гўё изловчи-сўровчиси йўқ, улар ҳақида ким нима билса, шунини ёзавергандай таассурот қолади. Нима учун Цезарь, Искандар, Чингизхон ёки бошқалар ҳақида жаҳонда ҳамма энциклопедияларда маълумотлар, номлари ҳурмат билан бир хил ёзилади-ю, Амир Темур ҳақида худди Клавихо таъбири билан айтганда, камситмоқчи бўлгандай хилма-хил номлар, таърифлар келтирилади?... Тарихий баҳолар ҳам хилма-хил берилади?..

Шахрисабз шаҳрида бўлиб ўтган “Амир Темур — дунё олимлари нигоҳида” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари ушбу маърузамизни хайрихоҳлик билан қабул қилдилар ва унда келтирилған мулоҳазаларни ўринли деб топдилар, Амир Темур шахсига нисбатан бундай муносабатға ортқ йўл қўйиб бўлмаслигини англаб етишға чақирдилар. Ун тўрт мамлакатдан келган темурушunos олимлар, адиб ва таржимонлар ҳамда ўзбек олимлари, адиблари Амир Темурга, унинг Ватанидаги тарихға янгича қарашлар замиридан ҳамда конференция руҳидан келиб чиқиб, ягона нуқтаи назарни барқарорлаштириш, яъни Соҳибқирон исмини бирхиллаштириш (идентификациялаш), ҳурматини ўз жойиға қўйиб, Амир

Темур шаклида тўлиқ олиш ва жаҳоннинг жами ахборот воситаларида бир хил берилишиға, илмий муомалаға киритилишиға эришиш ҳақида қайғурдилар, бу ҳаётий зарурат эканини таъкидладилар. Конференциянинг шу ҳақдаги хулоса-қарорини жами ахборот воситаларига, элчихоналарға, энциклопедияларға юбориш зарурлиғи кўрсатиб ўтилди. Бу муаммо конференция хулосаларидан бири сифатида ажунловчи қарорға киритилди.

Бу йил Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди чорак ёшни қаршилайди. Шу маънода, Фонд олдида ҳам амалға оширилиши керак бўлған вазифалар турибди. Чунончи, Тошкент ва Самарқандда Амир Темур давриға бағишланған конференциялар ўтказиш, Амир Темур энциклопедиясини нашр этиш, Амир Темур электрон сайтини очиш, ўзимизда ва хориж мамлакатларида конференциялар ўтказиш, Амир Темур тарихиға оид манбаларни қидириш, нашр этиш (чунончи, “Темур тузуқлари”нинг аслияти ҳали излаб топилгани йўқ, излашимиз керак), Эроннинг Жавоҳир музейидаги Амир Темур қиличидан нусха олиш ва уни Темурийлар тарихи давлат музейиға тақдим этиш ва х.к.

Амир Темур шахсияти, унинг тарихини ўрганиш, тарғиб этиш — бу бизға берилған имкониятдир. Бугун Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва тарихини ўрганиш масаласи барчанинг диққат марказида, эътиборида. Темурбеклар мактабларининг очилиши муҳим воқеалардан бири бўлди. Ушбу масканларда “Темур тузуқлари” ўқувчиларға содда ва тушунарли қилиб ўқитилиши таъминланмоқда. Айни пайтда Амир Темур бағишлаб асарлар ёзиш ва уларни халқимизға етказиш, ёшларнинг қалбига Ватан меҳрини жойлашда улуғ бобомиз ҳаётий тажрибасидан, ҳарбий санъатидан унумли фойдаланиш, буюк давлат арбоби ва енгилмас саркарданиннг шонли-суронли ҳаёти ва фаолияти ҳақида халқимиз ғурурланадиган бадий фильм, саҳна асарлари яратиш, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш ва бошқа вазифалар кутиб турибди.

Ҳа, Амир Темур бобомиз тарихини янада қўқур ўрганишимиз керак. Зеро, иккинчи Ренессансни бошлаб берган Соҳибқирон истиқболдаги олий мақсадларимиз пойдеворини қўришда бугун ҳам ёнимизда бўлиш даражасидаги даҳодир.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятға келған қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик хижатдан сифатли чоп этилишиға “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатға олинған.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3239.
76222 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилған. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилған нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳас: Малюхат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 00:25 Топширилди — 01:35